

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/28.02.2022.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ШУКУРОВ БАҲРИДДИН ШОДИҚУЛОВИЧ

**МЕТАННИ КАТАЛИТИК ДЕГИДРОАРОМАТЛАШ РЕАКЦИЯСИ
УЧУН КАТАЛИЗАТОР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.08 – Нефть ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2023

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation the abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Шукуров Бахриддин Шодикулович

Метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси учун катализатор олиш
технологияси..... 5

Шукуров Бахриддин Шодикулович

Технология получения катализатора для реакции каталитической
дегидроароматизации метана21

Shukurov Bakhriddin Shodikulovich

Technology receiving catalyst for reaction catalytic dehydroaromatization of
methane..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works42

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/28.02.2022.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ШУКУРОВ БАҲРИДДИН ШОДИҚУЛОВИЧ

**МЕТАННИ КАТАЛИТИК ДЕГИДРОАРОМАТЛАШ РЕАКЦИЯСИ
УЧУН КАТАЛИЗАТОР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.08–Нефть ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Г3550 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Институт веб-саҳифасида (www.bmti.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дўстов Ҳамро Бозорович
кимё фанлари доктори, профессор

Икромов Абдувахоб
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги DSc.03/28.02.2022.T.101.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил 8 июнь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазов кўчаси, 15-уй. Тел.: (+99865)223-78-84, факс: (+99865)223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (428-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазов кўчаси, 15-уй. Тел.: (+99865)223-78-84).

Диссертация автореферати 2023 йил 24 май куни таркатилди.
(2023 йил 11-февралдаги №5 рақамли реестр баённомаси).



Н.Р. Баракаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.Р. Ҳайитов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби т.ф.д., кат. ил. ход.

Х.Б. Дўстов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (техника доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефт ва газ, кимё саноати соҳаларини кенгайтириш мақсадида углеводород хомашёларига бўлган эҳтиёж юқори даражада ўсиши кузатилмоқда. Саноатнинг мазкур соҳаларини янада ривожлантириш мақсадида табиий углеводород хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш билан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг сифатини яхшилаш, саноат тармоқларида ҳосил бўладиган углеводородли чиқиндиларни қайта ишлаш, қайта ишлаб олинган маҳсулотлардан унумли фойдаланишга бўлган талаб ортиб бормоқда. Мазкур талабни қондириш ҳамда уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда нефт ва газ хомашёларини комплекс қайта ишлаш орқали рақобатбардош сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, инновацион технологиялар асосида замон талабларига мос технологияларни яратиш бўйича муҳим илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада метанни каталитик дегидроароматлаш жараёни учун самарали, селектив, барқарор, фаол ва нисбатан арзон, минимал коксланиш хоссаларига эга катализатор яратиш, жараённинг бориш қонуниятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада нефт ва газ, кимё саноати соҳаларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш билан бир қаторда нефт ва газни қайта ишлаш тармоқларининг самарадорлигини ошириш, хомашё базасини маҳаллийлаштириш ва улар асосида импортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича муҳим натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси учун катализатор олиш технологиясини ишлаб чиқариш ва импорт ҳисобига келадиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва саноатнинг турли тармоқларида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2614-сон «2016-2020 йилларда углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сон “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон "Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси орқали ароматик углеводородлар олиш, ушбу жараён катализаторларининг унумдорлигини ошириш, ароматик углеводородлар ишлаб чиқаришнинг истикболлари, ароматик углеводородлар ишлаб чиқаришни амалга ошириш бўйича Jaehun Jeong, Canan Karakaya, Huayang Zhu, Robert J. Kee, З.Р. Исмагилов, Е.В. Матус, Л.Л. Коробицына, А.В. Восмерилов, А.Л. Лapidус, А.А. Дергачев, З.Р. Исмагилов, Е.В. Матус, О.В. Седельникова, А.А. Степанов, В.И. Зайковский, Л.Л. Коробицына, А.В. Восмерилов, Н.В. Арбузова, В.В. Козлов, А.Р. Давлетшин, А.В. Кучеров, мамлакатимизда эса Н.И.Файзуллаев, А. Икромов, Ҳ.Б.Дўстов каби олимлар томонидан назарий изланишлар олиб борилган ва муҳим илмий-амалий ютуқларга эришилган.

Бироқ, олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда юртимизда метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамадан жараённинг кинетикаси ва механизми тўлиқ ўрганилмаган. Шу билан бирга ушбу жараён учун юқори унумдорлик, селективлик, барқарорлик, турғун, мустаҳкам, арзон ва фаол, минимал коксланиш хоссаларига эга катализаторлар ишлаб чиқариш, ларнинг таркибини, хоссаларини ўрганиш ҳамда технологик параметрларини ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда юртимизда мавжуд ресурслардан фойдалаган ҳолда метанни каталитик дегидроароматлаш орқали ароматик углеводородлар синтез қилиш, улар асосидаги полимерларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш техника ва технологияларини жорий этиш, мақбул назарий ва амалий режимларини асослаш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу билан бир қаторда табиий газнинг асосий таркибий компоненти – метанни каталитик дегидроароматлаш реакциясини тадқиқ қилиш, метан асосида ароматик углеводородларни синтез қилиш, технологик тизимлари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-А12-46 «Маҳаллий хом-ашёлар асосида метанни оксиконденсатлаш реакцияси учун

катализаторлар яратиш, тадқиқ этиш ва жараёни мақбуллаштириш» (2017-2018 йй) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси учун маҳаллий хомашё асосида янги катализатор олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси учун таркибида молибден сақловчи катализаторлар синтез қилиш;

физик-кимёвий (термик, рентгеноструктур, электрон-микроскопик, хроматографик анализ, сканерловчи электрон микроскопия ва ИҚ-спектроскопия) усулларда катализаторнинг тузилишини ва таркибини ўрганиш ҳамда катализатор тузилишининг унинг каталитик фаоллигига боғлиқлигини аниқлаш;

синтез қилинган катализатор иштирокида жараённинг кинетик қонуниятлари (дастлабки моддаларнинг ўзгариш тезлиги, реакциянинг кинетик модели, конверсия тезлигига ва жараённинг мақбул режимини танлашга турли омилларнинг таъсири) ни оқимли реактор шароитида тадқиқ қилиш;

катализаторларнинг фаолсизланишга нисбатан барқарорлигини текшириш ҳамда кокс ҳосил бўлиш жараёнининг механизмини ўрганиш ва катализаторларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

танланган катализатор иштирокида жараёнларнинг кинетикасини тадқиқ этиш асосида реакциянинг кинетик моделларини ва бориш механизмларини яратиш;

БТК (бензол, толуол ва ксилол) синтезининг илмий асослари ишлаб чиқиш ҳамда метанни дегидроароматлаш жараёнининг технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида табиий газ, Навоий вилояти Навбахор бентонити, юқори кремнийли цеолит (ЮКЦ) олинган.

Тадқиқот предмети метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси учун синтез қилинган катализаторларнинг физик-кимёвий хоссалари ҳамда техник хусусиятлари, уларни олиш жараёнининг муқобил режими параметрлари, лаборатория ва ишлаб чиқаришда синовдан ўтказиш технологик режимларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини бажаришда амалиётда кенг қўланиладиган анъанавий-классик стандарт усуллар ва замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари (газ хроматография, сканерловчи электрон микроскопия, ИҚ-спектроскопия, ёритувчи электрон микроскопия, рентген-фазавий таҳлил) ҳамда аммиакнинг термодастурланган десорбцияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

метанни каталитик дегидроароматлаш жараёни учун юқори фаоллик, унумдорлик, селективликка эга бўлган янги катализаторлар синтез қилинган;

метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси учун синтез қилинган $(\text{MoO}_3)_x \cdot (\text{ZrO}_2)_y \cdot (\text{ZnO})_z$ /ЮКЦ таркибли катализаторнинг текстур характеристикалари аниқланган;

синтез қилинган катализаторлар иштирокида метанни каталитик дегидроароматлаш реакциясининг кинетик қонуниятлари: дастлабки моддаларнинг ўзгариш тезлиги, реакция кинетик модели, конверсия тезлиги ва жараённинг мақбул режимини танлашга турли омилларнинг таъсири илмий асосланган;

оқимли реакторда синтез катализатор иштирокида реакциянинг кинетик қонуниятлари ва реакциянинг бориш механизмлари таклиф этилган ҳамда жараёнларни ифодаладиган кинетик тенгламалар танланган ва илмий асосланган;

метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси учун катализатор олиш технологияси ишлаб чиқилган;

БТК (бензол, толуол ва ксилол) синтезининг илмий асослари ишлаб чиқилган ҳамда метанни дегидроароматлаш жараёнининг технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

реакциялар ўтказишнинг мақбул шароитлари маҳсулот унуми бўйича танланган;

метандан ароматик углеводородлар синтези унумини оширишга имкон берувчи шароитлар, юқори фаоллик, унумдорлик, селективликка эга ва ишлаш қобилияти юқори бўлган катализаторлар яратилган;

метанни каталитик дегидроароматлаш жараёни учун янги таркибдаги юқори фаоллик, унумдорлик ва селективликка эга бўлган, коксланишни камайтириши билан характерланадиган катализаторлар таркиби ва олиш технологияси яратилган;

метанни ароматик углеводородларга ўзгариш даражаси, катализаторнинг унумдорлиги, селективлиги юқори бўлишини таъминладиган жараён боришининг мақбул шароити ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган катализаторларни ва олинган маҳсулотларни таҳлил қилишда физик-кимёвий (ИК-спектроскопик, рентген фазали, газ хроматографик, электрон микроскопия) ҳамда назарий ва тажрибавий тадқиқот натижалари ўзаро мос келиши, тавсия қилинган синов натижалари тегишли корхона лаборатория саноат-тажриба синовидан ўтганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси учун янги таркибдаги юқори фаоллик, унумдорлик ва селективликка эга бўлган катализатор яратилганлиги, жараённинг кинетикасини ўрганилганлиги, реакцияларнинг бориш механизмлари таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти кинетик параметрлар, физик-кимёвий хоссалар, кимёвий таркиб, кимёвий структуранинг ўзаро боғлиқлигини ўрнатиш, жараёнларнинг турли шароитларда ўтишида унумни, конверсияни ва селективликни ҳисоблашга имкон берадиган математик модел яратишдан иборат. Қайд этилган реакциялар учун танланган катализаторларнинг ҳамда ушбу жараёнларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши Ўзбекистон Республикасининг ароматик углеводородларга бўлган эҳтиёжининг маҳаллий хомашёлар ҳисобига қондириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Метанни каталитик дегидроароматлаш орқали ароматик углеводородлар синтези учун катализаторлар ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси учун 1,0%Zr-6,0%Mo/ЮКЦ катализатор “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий этилган (“Муборак газни қайта ишлаш заводи”нинг 2020 йил 30 августдаги 932/GK-08-сон маълумотномаси). Натижада, 750 °C да метаннинг конверсияси ва ароматик углеводородлар чиқиши унуми мос равишда 38,7% ва 32,3% га ҳамда ароматик углеводородларга нисбатан катализатор селективлиги 600-750 °C да 61,5% дан 83,5% гача ошириш имконини берган;

1,0%Zn-1,0%Zr-6,0%Mo/ЮКЦ таркибли янги катализатор иштирокида метанни каталитик дегидроароматлаш технологияси “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖ да ишлаб чиқаришга жорий этилган (“Муборак газни қайта ишлаш заводи”нинг 2020 йил 30 августдаги 932/GK-08-сон маълумотномаси). Натижада, синтез қилинган 1,0%Zn-1,0%Zr-6,0%Mo/ЮКЦ катализатор метанни дегидроароматлаш реакцияда 600-750 °C оралиғида метаннинг умумий конверсиясини 10,9 дан 47,2% гача, ароматик углеводородлар унуми 8,7 дан 42,3% гача ва ароматик углеводородларнинг ҳосил бўлиш селективлигини 80,5% дан 89,6% гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишини бажаришда эришилган асосий тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан, 5 та хорижий ва 2 та республика журналларда мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Метанни каталитик дегидроароматлаш металл-цеолитли катализаторлари»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг **«Метанни дегидроароматлаш жараёни учун катализаторлар синтези ва реакция маҳсулотлари таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида метанни каталитик дегидроароматлаш реакциясининг кинетик қонуниятларини ўрганишнинг тажриба қурилмаси, тажрибани ўтказиш ва реакция маҳсулотларини таҳлил қилиш услуби ёритилган. Катализатор синтези бўйича тадқиқотлар берилган. Катализатор ҳўл усулда ва «золь-гель» технологиялари асосида тайёрланган. Реакция маҳсулотлари унуми ва таркиби газ-суюқлик хроматографияси усулида аниқланган. Катализаторнинг характеристикалари физик-кимёвий усулларда ўрганилган, тадқиқот ишида ишлатилган ЮКЦ ни фаоллаштириш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **«Катализатор ва ингредиентларнинг физик-кимёвий ва текстур характеристикаларини тадқиқ қилиш»** деб номланган учинчи бобида катализаторнинг текстур характеристикалари ўрганилган. Текширилаётган намуналарнинг ғовак структура параметрларини аниқлаш мақсадида адсорбцион ўлчашлар ўтказилди. ЮКЦ нинг асосий адсорбцион-структур характеристикалари – солиштирма сирт, ғовакнинг ҳажми ва эффектив ўлчами азот буғлари адсорбцияси изотермасини тузиш ва аниқлаш натижасида олинди. Адсорбцион ўлчашдан намунага 300⁰С да 8-10 соат давомида вакуумда ишлов берилди. Адсорбция хона ҳароратида ўлчанди. Адсорбцион мувозанат 22 соат давомида ўрнатилди. Нисбий хато 3% ни ташкил этди. Ғоваклар адсорбцион ҳажмлари йиғиндиси (V_{Σ}) азот бўйича $P/P_0=0,99$ бўлганда аниқланди, аниқлаш хатолиги 6%.

ЮКЦ нинг каталитик фаоллиги декатионлашда ва кетма-кет тоблаш натижасида ҳосил бўладиган кислоталик марказлари кучига боғлиқ.


Кислотали хоссаларини текшириш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Катализаторларнинг кислоталик хоссалари

Катализатор	$T_{\text{макс}}, ^\circ\text{C}$		Кислоталик марказлари концентрацияси (мкмоль/г)		
	T_1	T_2	C_1	C_2	ΣC
6,0% Mo/ЮКЦ	188	390	330	198	528
1,0%Zr-6,0% Mo/ЮКЦ	195	398	377	240	617
1,0%Zn-6,0% Mo/ЮКЦ	205	410	355	210	565
1,0%Zn-1,0%Zr-6,0%Mo/ЮКЦ	212	400	300	120	420

C_1 -кучсиз кислотали марказ, C_2 -кучли кислотали марказ, ΣC -умумий кислоталик

Жадвалдан кўришиб турибдики, барча текширилаётган объектлар иккита кислоталик марказига эга. 1,0% Zr-6,0% Mo /ЮКЦ намунаси учун кучсиз кислоталик марказлари 377 мкмоль/г, кучли кислоталик марказлари концентрациялари эса 240 мкмоль/г ни ташкил этади. 6,0% Mo/ЮКЦ кислоталик системасига 1,0% Zr ва 1,0% Zn киритилганда умумий кислоталик маркази 420 мкмоль/г, кучли кислоталик маркази 120 мкмоль/г ва кучсиз кислоталик маркази 300 мкмоль/г ни ташкил этди.




2-расм. 1,0%Zn-1,0%Zr-6,0%Mo/ЮКЦ катализаторнинг термограммаси

2-расмдаги термограммада Mo метали кукуни заррачалари оксидланиш жараёни нозикли рўй бериши кўришиб турибди. 135-480°C ҳарорат оралиғида намуна массасининг 2,3% га ортиши содир бўлади. 510 ва 525 °C даги ҳарорат максимумлар ва 500 °C да Mo оксидланиш тезлигининг кескин ошиши кузатилади. 650 °C дан юқори ҳароратда эса ҳосил бўлган MoO₃ нинг сублимация жараёни содир бўлади.

6,0% Mo/ЮКЦ катализаторнинг термик таҳлил усули билан тадқиқ қилиш натижаларига кўра Mo нинг босқичли оксидланиши содир бўлади ва 700°C да оксидланиш жараёни ўз якунига етади.

3-расмда турли ҳароратгача тобланган Mo наноўлчамли кукунининг рентгенограммаси келтирилган, 200°C ҳароратда Mo нинг оксидланиши деярли содир бўлмайди. Ҳароратнинг 350°C гача кўтарилиши

рентгенограммада MoO_3 тегишли бўлган чўққилар пайдо бўлишига олиб келади.



3-расм. Турли ҳароратларда тобланган наноўлчамли 1,0%Zn-1,0%Zr-6,0%Mo/ЮКЦ кукунларининг рентгенограммалари (°C): 1 – 200; 2 – 250; 3 – 300; 4 – 350; 5 – 450; 6 – 550; 7 – 650; 8 – 750.

3-расмда турли ҳароратларда тобланган наноўлчамли Мо кукунининг рентгенограммаси келтирилган.

Диссертациянинг “Синтез қилинган катализаторлар иштирокида метанни оксидловчиларсиз дегидроароматлаш реакциясини тадқиқ қилиш ва катализатор ишлаб чиқариш технологияси” деб номланган тўртинчи бобда жараёнларнинг кинетик қонуниятлари ўрганилган ва кинетик моделлар ишлаб чиқилган, жараённинг бориш механизми таклиф этилган ва кинетик тенгламалари келтириб чиқарилган.

Дастлабки тадқиқотларнинг кўрсатишича метанни каталитик дегидроароматлаш учун ЮКЦ нинг ўзини ишлатиб кўрганимизда 750°C да $V_{\text{метан}} = 1000 \text{ соат}^{-1}$ бўлганда ароматик углеводородларнинг ҳосил бўлиши кузатилмади. ЮКЦ га молибден металининг нанокукунларларини киритганимизда метаннинг ароматик углеводородларга айланиши кузатилди. Тадқиқотлар натижасида ЮКЦ таркибида Мо нинг мақбул концентрацияси 6,0% бўлганда бошланғич моддалар конверсияси, ароматик углеводородларга нисбатан селективлик ва унум юқори бўлиши аниқланди. Шундан сўнг, цирконий ва молибден асосидаги катализаторни метанни каталитик дегидроароматлаш реакциясида синаб кўрдик. Бунинг учун турли металлларнинг промоторловчи хусусиятини ўргандик. Тадқиқотлар натижасида метанни дегидроароматлаш реакциясида ЮКЦ асосида аммоний бикарбонат ва гексаметилендиаминдан фойдаланиб, синтез қилинган $(\text{MoO}_3)_x \cdot (\text{ZrO}_2)_y \cdot (\text{ZnO})_z / \text{ЮКЦ}$ катализатори энг юқори фаолликни намоён этиши аниқланди.

Метаннинг оксидловчиларсиз ароматик углеводородларга конверсиясида $(\text{MoO}_3)_x \cdot (\text{ZrO}_2)_y \cdot (\text{ZnO})_z / \text{ЮКЦ}$ таркибли катализатор иштирокида ҳароратнинг ва жараённи ўтказиш давомийлигининг конверсия даражасига ва ҳосил бўлувчи моддалар таркибига таъсири ўрганилди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

**Реакцияни ўтказиш давомийлигининг метаннинг конверсия даражаси
ва маҳсулотлар таркибига таъсири**

№	τ, дақ	Метан конверсияси, %	Маҳсулот унуми, %		
			бензол	толуол	ксилол
Ҳарорат, 923 К					
1	120	36,5	6,2	-	-
2	270	32,3	10,8	-	-
3	360	27,0	19,9	0,87	1,15
4	390	23,6	23,5	1,04	2,30
5	420	18,2	15,4	1,67	2,10
6	450	11,6	10,4	1,18	1,02
Ҳарорат, 973 К					
1	120	37,3	14,8	0,92	1,35
2	240	36,2	19,3	1,08	1,70
3	360	35,2	25,7	1,16	1,98
4	420	32,2	27,5	1,40	1,88
5	480	30,4	27,9	1,56	1,91
6	510	28,9	26,5	1,48	1,78
7	540	28,5	25,3	1,48	1,56
Ҳарорат, 1023 К					
1	120	35,6	15,6	-	0,82
2	240	50,8	25,4	-	1,78
3	360	47,2	35,9	1,88	2,28
4	390	52,5	31,5	1,12	2,12
5	420	40,7	30,4	1,02	2,12
6	450	40,0	29,5	0,96	2,02
7	480	51,6	28,9	0,98	1,98
8	510	51,8	27,6	0,82	1,90
9	540	40,2	24,7	0,78	1,82
10	570	50,6	23,2	0,71	1,78

2-жадвалдан кўришиб турибдики, 650-700^oС ҳароратларда метаннинг энг юқори конверсияси реакция бошлангандан 120 дақиқа ўтганда кузатилади. Бу вақтда ароматик углеводородларнинг унуми кичик қийматга эга бўлади. 750^oС да метаннинг энг юқори конверсияси реакция 390 дақиқа давом этганда кузатилади. 650-750^oС да реакция 360 дақиқа давом этганда, ароматик углеводородлар энг юқори унум билан ҳосил бўлади. Вақт ўтиши билан метаннинг умумий конверсиясининг камайиши катализатор сиртида кокс ҳосил бўлиши ва ароматик углеводородлар унумининг ортиши эса С₂Н_у-фрагментлари миқдорининг ортиши билан тушунтирилади.

3-жадвалда танланган катализаторларда метаннинг дегидроароматлаш реакциясида маҳсулотлар таркибига ва метаннинг конверсиясига ҳароратнинг таъсири келтирилган.

3-жадвал

Модификацияланган 1,0% Zr-1,0% Zn-6,0 % Мо таркибли катализаторда метан конверсияси ва маҳсулотлар таркибига ҳароратнинг таъсири ($\tau = 360$ дақиқа)

T, °C	K, %	Реакция маҳсулотлари							Умум Ару, %	S _{Ар} , %
		H ₂	Алкан C ₁ -C ₄	Алкен C ₂ -C ₄	C ₆ H ₆	C ₇ H ₈	C ₈ H ₁₀	C ₁₀ H ₈		
6,0% Мо/ЮКЦ										
600	7,9	1,65	85,14	8,87	4,34	-	-	-	4,00	54,9
650	17,7	2,22	80,96	5,74	10,72	0,15	0,21	-	11,1	62,7
700	26,4	4,12	75,00	3,18	15,78	0,28	0,68	0,46	17,2	65,2
750	35,8	5,08	68,90	2,86	20,83	0,40	0,84	0,62	22,7	63,4
1,0% Zr + 6,0% Мо/ЮКЦ										
600	9,6	1,74	82,80	9,56	5,84	0,06	-	-	5,9	61,5
650	22,0	4,85	71,90	6,48	15,35	0,17	0,26	0,38	16,2	73,4
700	29,5	5,78	65,70	4,35	21,20	0,45	0,85	0,76	23,3	78,8
750	38,7	7,82	56,64	2,78	29,80	0,52	1,04	0,94	32,3	83,5
1,0% Zn + 1,0% Zr + 6,0% Мо/ЮКЦ										
600	10,9	2,18	80,36	8,78	6,80	0,18	0,94	0,76	8,7	80,5
650	27,0	6,08	65,12	5,92	19,86	0,87	1,15	1,02	22,9	84,8
700	35,2	6,98	58,50	3,78	25,74	1,16	1,98	1,84	30,7	87,3
750	47,2	7,78	48,92	1,02	35,98	1,88	2,28	2,14	42,3	89,6
1,0% Zn + 6,0% Мо/ЮКЦ										
600	10,2	2,68	81,36	9,35	6,08	0,08	0,18	0,26	6,1	64,7
650	24,2	5,23	70,18	6,13	16,96	0,69	0,98	0,51	18,3	75,6
700	33,2	6,52	62,61	3,94	23,87	1,02	1,22	0,62	26,7	80,6
750	41,0	7,74	55,08	1,98	30,52	1,34	1,76	1,08	34,7	84,6

3-жадвалдан кўришиб турибдики, ҳарорат кўтарилиши билан бошланғич модда конверсияси ва ароматик углеводородлар унуми ошади. Реакциянинг суюқ маҳсулотлари асосан, бензол, толуол, ксиллолар ва нафталин бўлиб, уларнинг миқдори ҳароратнинг кўтарилиши билан ортади. Ҳароратнинг кўтарилиши билан газ ҳолатидаги маҳсулот таркибида водороднинг миқдори ортади, аммо куйи C₂-C₄ алкан ва алкенлар миқдори камаяди. 6,0% Мо/ЮКЦ намунаси етарлича каталитик фаолликка эга бўлиб, 750⁰С да метаннинг конверсияси ва ароматик углеводородлар унуми мос равишда 35,82% ва 22.7% га етади. Ароматик углеводородларга нисбатан селективлик 600-750⁰С

да 54.9% дан 63.4% гача ўзгаради. 6,0% Mo/ЮКЦ намунасига 1,0 % Zr кўшганимизда 600-750⁰С оралиғида метаннинг умумий конверсияси 9.6% дан 38.7% гача, ароматик углеводородлар унуми 5.9% дан 32.2% гача, ароматик углеводородларнинг ҳосил бўлиш селективлиги 61.5% дан 83.5% гача ортди. Таркиби 1,0%Zn-1,0%Zr-6,0%Mo/ЮКЦ бўлган катализатор иштирокида 600-750⁰С оралиғида метаннинг умумий конверсияси 10.9% дан 47.2% гача ароматик углеводородлар унуми 8,68 дан 48.28% гача ва ароматик углеводородларнинг ҳосил бўлиш селективлиги 80.5% дан 89.6% гача ошади.


Танланган катализатор иштирокида реакция тезлигига ҳажмий тезликнинг таъсири ўрганилди.

4-жадвал

6,0% Mo*1,0% Zr*1,0% Zn/ЮКЦ таркибли катализатор иштирокида метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси тезлигига метан ҳажмий тезлигининг таъсири (T = 750⁰С)

V _{CH₄}	X, %	Реакция маҳсулотлари, %							A, %	S, %
		H ₂	алкан	алкен	C ₆ H ₆	C ₇ H ₈	C ₈ H ₁₀	C ₁₀ H ₈		
500	56,8	32,65	12,15	12,01	9,68	0,73	1,01	16,06	27,48	48,38
1000	52,5	10,83	47,85	0,92	15,23	1,32	1,87	21,08	42,3	89,6
1500	49,6	8,55	50,32	1,15	15,71	1,27	2,05	17,44	7,5	73,5

4-жадвалдан кўришиб турибдики, ҳажмий тезлик 1000 дан 1500 соат⁻¹ га ошганда бошланғич моддаларнинг конверсияси ва ароматик углеводородларнинг унуми камаяди.




5-расм. Метан конверсиясининг ҳажмий тезлик ва реакция вақтига боғлиқлиги

Жараёни ўтказишнинг турли шароитларида олинган тажриба маълумотларга асосланган ҳолда, метаннинг ароматик углеводородларга ўзгаришининг кинетик қонуниятлари таҳлил қилинди. 5-расмда метан конверсиясига ҳажмий тезлик ва реакция вақтининг таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.

Метаннинг дегидроароматлаш жараёнида катализаторнинг максимал фаоллиги унинг ҳажмий тезлиги 1000 соат^{-1} бўлганда кузатилди. Метаннинг конверсияси бу шароитда 52,5% га етади, катализатор фаоллиги эса 390 дақиқа давомида ўзгармайди. Метаннинг оқим тезлигини 1000 соат^{-1} дан 1500 соат^{-1} гача ошириш унинг конверсияси ва катализаторнинг турғун ишлаш давомийлигининг камайишига олиб келди.

6-расмда метан конверсияси асосий маҳсулотлари унуми билан контакт вақти орасидаги боғлиқлик келтирилган. Контакт вақти ортиши билан алкенлар унуми камаяди. Контакт вақти ортиши билан алкенлар унумининг камайиши, метанга нисбатан алкенларнинг фаоллиги ва ароматик углеводородга осон айланиши билан тушунтирилади. Бензолнинг концентрацияси контакт вақтининг ортиши билан қарийб икки марта ортади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича ҳароратнинг ва ҳажмий тезликнинг ортиши билан кокснинг ҳосил бўлиши ортади ва катализаторнинг фаол марказлари кокс билан қопланиб, катализаторнинг каталитик фаоллиги камаяди. Кокс ҳосил бўлишини камайтириш ва олдини олиш мақсадида Мо сақловчи ЮКЦ га 0,2% гача бор қўшганимизда кокс ҳосил бўлиши кескин камайди, катализаторнинг ишлаш давомийлиги ва фаоллиги ортди.






6-расм. Алкенлар (1), бензол (2), нафталин (3) унумларининг контакт вақтига боғлиқлиги


Метанни каталитик дегидроароматлаш реакциясида кам миқдорда ис гази ва карбонат ангидрид ҳосил бўлади. Бу эса, катализатор сиртида турли хил тузилишли углерод сақловчи структуралар ҳосил бўлишини билдиради. C_2-C_4 -углеводородларнинг катализатор фаол марказларига хемосорбцияси

натижасида уларнинг молекулалари углерод ва C_xH_y – фрагментлар ҳосил қилиб, диссоциланади. Бунда молибден сақловчи катализаторлар сиртида углерод бир неча шаклларда бўлиб, уларнинг бир қисми каталитик марказларни блокласа, бошқа қисми металл кластерларининг фаол фазаларини қайтаради ва асосан катализаторнинг ташқи сиртида жойлашади. Натихада метаннинг умумий конверсияси камаяди ва ароматик углеводородларнинг ҳосил бўлиш тезлиги ошади.

Умумий ҳолда жараённинг механизмини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:



$(MoO_3)_x \cdot (ZrO_2)_y \cdot (ZnO_2)_z$ /ЮКЦ катализатори иштирокида метанни каталитик дегидроароматлаш реакциясида қуйидаги 4 та асосий реакция боради:



(2) реакцияни эътиборга олмаса ҳам бўлади, ушбу реакция фақатгина кокс ҳосил бўлиш потенциал эффеқтини ўрганиш учун зарур.

Юқоридаги 4 та реакция тезлик тенгламалари 973 дан 1023 К гача экспериментал маълумотларга мос равишда мақбуллаштирилди ва Ленгмюр-Хиншельвуд тенгламаси билан ифодаланди:

$$W_1 = \frac{k_1 f_{CH_4}^6 \left(1 - \frac{f_{C_6H_6} f_{H_2}^9}{K_{R_1} \cdot f_{CH_4}^6}\right)}{\left(1 + K_{CH_4} f_{CH_4} + K_{H_2} f_{H_2} + K_{C_6H_6} f_{C_6H_6}\right)^6}$$

$$W_2 = \frac{k_2 f_{CH_4} \left(1 - \frac{f_{H_2}^2}{K_{R_2} \cdot f_{CH_4}}\right)}{1 + K_{CH_4} f_{CH_4} + K_{H_2} f_{H_2} + K_{C_6H_6} f_{C_6H_6}}$$

$$W_3 = \frac{k_3 f_{CH_4}^7 \left(1 - \frac{f_{C_7H_8} \cdot f_{H_2}^{10}}{K_{R_3} \cdot f_{CH_4}^7}\right)}{\left(1 + K_{CH_4} \cdot f_{CH_4} + K_{H_2} f_{H_2} + K_{C_7H_8} \cdot f_{C_7H_8}\right)^7}$$

$$W_4 = \frac{k_4 f_{CH_4}^8 \left(1 - \frac{f_{C_8H_{10}} \cdot f_{H_2}^{11}}{K_{R_3} \cdot f_{CH_4}^7}\right)}{\left(1 + K_{CH_4} \cdot f_{CH_4} + K_{H_2} f_{H_2} + K_{C_8H_{10}} \cdot f_{C_8H_{10}}\right)^8}$$

бунда, f_i – i -компонентнинг учувчанлиги; K_{R_1} ва K_{R_2} 1- ва 2- реакцияларнинг термодинамик жиҳатдан ҳисоблаш мумкин бўлган мувозанат константаси, k_1 ва k_2 - 1- ва 2- реакцияларнинг тезлик константалари. K_i – i -компонентнинг мувозанатдаги адсорбция константаси.

Моделлаштиришда қуйидаги кинетик параметрлар ишлатилади:

$$k_1 = 8,1283 \cdot 10^{-3} \exp\left(-\frac{2,0909 \cdot 10^5}{R} \left(\frac{1}{T} - \frac{1}{943,15}\right)\right)$$

$$k_2 = 2,3252 \cdot 10^{-3} \exp\left(-\frac{1,2096 \cdot 10^5}{R} \left(\frac{1}{T} - \frac{1}{943,15}\right)\right)$$

$$K_{CH_4} = \exp\left(-1,1963 - 1,3209 \cdot 10^2 \left(\frac{1}{T} - \frac{1}{943,15}\right)\right)$$


$$K_{H_2} = \exp\left(-1,6736 - 1,5796 \cdot 10^3 \left(\frac{1}{T} - \frac{1}{943,15}\right)\right)$$

$$K_{C_6H_6} = \exp\left(-9,09 - 1,177 \cdot 10^5 \left(\frac{1}{T} - \frac{1}{943,15}\right)\right)$$

$$K_{C_7H_8} = \exp\left(-11,32 - 1,786 \cdot 10^6 \cdot \left(\frac{1}{T} - \frac{1}{943,15}\right)\right)$$

$$K_{C_8H_{10}} = \exp\left(-15,46 - 1,982 \cdot 10^8 \cdot \left(\frac{1}{T} - \frac{1}{943,15}\right)\right)$$

7-расмда $(MoO_3)_x \cdot (ZrO_2)_y \cdot (ZnO)_z$ /ЮКЦ катализаторда метанни каталитик дегидроароматлаш жараёнининг технологик схемаси тасвирланган.



7-расм. Метанни каталитик дегидроароматлаш жараёни қурилмасининг технологик схемаси

Хомашё насослар билан Н-1,2 иссиқлик алмаштиргич Т-1 орқали ўтиб, печга П-1 юборилади, у ерда 500-550 °С гача қиздирилади. Печдан П-1 кейин хомашё $P=0,1\text{МПа}$ босим остида ва $T=650-750$ °С хароратда ишловчи реакторга Р-1 юборилади, бу ерда дегидроароматлаш реакцияси содир бўлади. Реакторда Р-2 600-700 °С хароратларда катализаторнинг қатламли регенерацияси содир бўлади.

Дегидроароматлаш реакциясининг эндотермик эффекти ҳисобига хароратлар фарқини пасайтириш мақсадида реакцион аралашманинг бир қисми иссиқлик ташувчи сифатида рециркуляция қилинади.

Реактордан Р-1 реакция маҳсулотлари Т-1 да иссиқлик рекуперациясидан сўнг сепараторга С-1 юборилади. Сепараторда С-1 углеводородли газларнинг катализатдан ажратиш содир бўлади. Сепаратор С-1 юқори қисмидан углеводородли газлар заводнинг ёқилғи тармоғига йўналтирилади. Сепаратор С-1 пастки қисмидан бензол, толуол ва ксилоллар фракцияси Т-2 иссиқлик алмаштиргич орқали ўтиб, у ерда қиздирилиб барқарорлаш колонкасига К-1 киради. Буғ К-1 юқори қисмидан Т-3 иссиқлик алмаштиргичга киради ва у ерда совутилади. Иссиқлик алмаштиргичдан Т-3 кейин маҳсулотларнинг асосий қисми жараёнга қайтарилади, мувозанатли қисми эса намлантириш мақсадида колонкага К-1 киради. Колонка К-1 пастки қисмидан бензол, толуол ва ксилоллар чиқарилади. Иссиқлик алмаштиргич Т-5 орқали ўтиб, БТК фракцияси совутилади ва маҳсулот омборига юборилади, мувозанатли қисм эса Т-4 да қиздирилиб, колонка харорат режимини сақлаб туриш учун колонка К-1 га юборилади.

Шундай қилиб, қатламли регенерация ҳисобига, агар реакция босқичи вақти регенерация босқичи давомийлигига тенг бўлса, бутун жараён эсплуатациясининг иқтисодий жихатдан фойдали амалга оширишга эришилади. Бу мақсадли маҳсулотнинг икки технологик қаторларда узлуксиз ишлаб чиқаришни амалга ошириш имкониятини беради.

ХУЛОСА

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Маҳаллий хомашёлардан метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси учун термик барқарор, юқори фаоллик, селективлик ва унумдорликка эга бўлган, кокс ва смола ҳосил қилишга нисбатан барқарор $[(\text{MoO}_3)_x \cdot (\text{ZrO}_2)_y \cdot (\text{ZnO})_z / \text{ЮКЦ}]$ таркибли мақбул катализатор синтез қилинди.

2. Метанни каталитик дегидроароматлаш жараёни учун ”золь-гель” технологияси асосида юқори каталитик фаоллик, унумдорлик ва селективликка эга, $[(\text{MoO}_3)_x \cdot (\text{ZrO}_2)_y \cdot (\text{ZnO})_z / \text{ЮКЦ}]$ таркибли янги катализатор олинди ва текстур характеристикалари физик-кимёвий (термик, рентгеноструктур, электрон-микроскопик, хроматографик таҳлил, сканирловчи электрон микроскопия ва ИҚ-спектроскопия) усулларда ўрганилди.

3. Синтез қилинган катализатор иштирокида ўтказилган тадқиқотлар натижасида реакциянинг қуйидаги мақбул шароити танланди: $T=750 \text{ }^\circ\text{C}$, ҳажмий тезлик $V_{\text{CH}_4}=1000 \text{ соат}^{-1}$; катализатор қатламининг баландлиги 10 см.

4. Оқимли реактор шароитида метанни каталитик дегидроароматлаш реакциясининг кинетик қонуниятлари (дастлабки моддаларнинг ўзгариш тезлиги, реакциянинг кинетик модели, конверсия тезлигига ва жараённинг мақбул режимини танлашга турли омилларнинг таъсири) ўрганилди, натижалар асосида мақбул шароит аниқланди, метанни дегидроароматлаш реакциясининг бориш механизми таклиф этилди ва кинетик тенгламаларнинг адекватлиги баҳоланди.

5. Метанни каталитик дегидроароматлаш реакцияси учун $[(\text{MoO}_3)_x \cdot (\text{ZrO}_2)_y \cdot (\text{ZnO})_z / \text{ЮКЦ}]$ таркибли катализатор ва метандан ароматик углеводородлар олиш технологиялари ишлаб чиқилди.

6. Метанни каталитик дегидроароматлаш орқали ароматик углеводородлар олиш учун катализаторлар ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Метанни каталитик дегидроароматлаш орқали ароматик углеводородлар олиш учун танланган катализатор «НАВОИЙАЗОТ» АЖ да («НАВОИЙАЗОТ» АЖ нинг 2020 йил 21 августдаги № 15859-сон маълумотномаси) ҳамда “Муборак газни қайта ишлаш заводи”да (“Муборак газни қайта ишлаш заводи”нинг 30 август 2020 йилдаги №932/GK-08-сон маълумотномаси) ишлаб чиқаришга жорий этилди. Иқтисодий самарадорлик 121900716 сўмни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/28.02.2022.Т.101.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ ШАРОФА РАШИДОВА**

ШУКУРОВ БАХРИДДИН ШОДИКУЛОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ КАТАЛИЗАТОРА ДЛЯ РЕАКЦИИ
КАТАЛИТИЧЕСКОЙ ДЕГИДРОАРОМАТИЗАЦИИ МЕТАНА**

02.00.08 – Нефте- и газохимия и технология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара - 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистана за номером B2023.2.PhD/T3550.

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете имени Шарофа Рашидова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице института (www.bmti.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Дустов Хамро Бозорович, доктор химических наук, профессор Икромов Абдувахоб, доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится 8 июня 2023 г. в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.03/28.02.2022.T.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте. (Адрес: 200117, Бухара, ул. Каюма Муртазаева, 15, Тел.: (+99865) 223-78-84, факс: (+99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технического института (зарегистрировано № 428). (200117, г.Бухара, ул. Каюма Муртазаева 15. Тел: (+99865) 223-78-84.

Автореферат диссертации разослан 24 мая 2023 г.
(реестр протокола №5 от 11 февраля 2023 г.)



Н.Р. Баракаев

Преседатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Р.Р. Хайитов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., старший научный сотрудник

Х.Б. Дустов

Преседатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всём мире наблюдается высокий рост потребности в углеводородном сырье для расширения нефтегазовой, химической промышленности. В целях дальнейшего развития этих отраслей возрастает потребность в глубокой переработке природного углеводородного сырья с получением новых видов продукции и повышения ее качества, переработки углеводородных отходов, образующихся в отраслях промышленности, эффективным использованием продукции, полученной при переработке. Удовлетворение данного спроса и создание современных технологий их производства имеет особое значение.

В мире проводятся важные научные исследования по производству конкурентоспособной и качественной продукции за счет комплексной переработки нефтегазового сырья, создания соответствующих современным требованиям технологий на основе инновационных технологий. В связи с этим особое внимание уделяется изучению закономерностей процесса, получению катализатора для процесса каталитической дегидроароматизации метана, обладающий эффективным, селективным, стабильным, активным и относительно недорогой, минимальным коксообразующими свойствами.

В нашей Республике, как и в различных отраслях промышленности, достигаются значительные результаты в повышении эффективности переработки нефти и газа, локализации сырьевой базы и выпуске на их основе импорто-ориентированной продукции. В стратегии развития нового Узбекистана указаны важные задачи, как «Широкое внедрение инноваций в экономику, развитие кооперационных связей промышленных предприятий и научных учреждений»². Исходя из вышеизложенного, производство и импорт ароматических углеводородов путем каталитической реакции дегидроароматизации метана имеет важное значение для локализации продуктов и их применения в различных отраслях промышленности.

Данная диссертация в определенной мере служит реализации задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-2614 от 28 сентября 2016 года «О мерах по увеличению производства экспорт ориентированной готовой продукции на основе глубокой переработки углеводородов в 2016-2020 годах», ПП-3246 от 29 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности», ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

повышению ее инвестиционной привлекательности», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики Узбекистан VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Изучением получения ароматических углеводородов каталитической дегидроароматизацией метана, повышении эффективности катализаторов, перспективах производства ароматических углеводородов, реализации производства ароматических углеводородов Jaehun Jeong, Canan Karakaya, Huayang Zhu, Robert J. Kee, З.Р. Исмагилов, Э.В. Матус, Л.Л. Коробицына, А.В. Восмерилов, А.Л. Лapidус, А.А. Дергачев, З.Р. Исмагилов, Э.В. Матус, О.В. Седельникова, А.А. Степанов, В.Я. Зайковский, Л.Л. Коробицына, А.В. Восмерилов, Н.В. Арбузова, В.В. Козлов, А. Давлетшин, А.В. Кучеров, а в нашей стране ученые Н.И. Файзуллаев, А.Икрамов, Х.Б.Дустов провели фундаментальные исследования и добились значительных научных и практических достижений.

